

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 147 (7.140). Sotuvda erkin narxda

Бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимизнинг мавқеи ва обрўини дунёда муносиб даражага кўтариш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз деб, айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, жорий этилаётган ислохот ва янгилашни жараёнларини қатъият билан давом эттирсак – ҳеч шубҳасиз, марра бизники – Ўзбекистонимизда ўзгаларнинг ҳавасини тортадиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қурамыз, ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта етамиз.

Ислон КАРИМОВ

Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Юртимиздаги буюк ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар! Авваламбор, сиз, азизларни Конституцияимизнинг ўн тўрт йиллик байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга, сизлар орқали бутун халқимизга ўзимнинг самимий ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Қадрли дўстлар! Биз Конституцияимизнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, аввало, бир ҳақиқатни эътироф этишимиз лозим. Яъни, биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий ва устувор қадрият сифатида қарор топтириш борасида ўтган давр мобайнида қонунийлик соҳасида ва амалий сиёсатимизда қандай натижа ва ютуқларни қўлга киритган бўлсак, уларнинг барчаси Конституцияимизда муҳрлаб қўйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Биз бугун изчиллик билан амалга ошираётган тинч ва фаровон ҳаёт қуриш йўли ва бу йўлнинг асосий қонунийлик негизлари ҳақида гапирганда, бамисоли тоғдай таянч бўлидиган иккита мезон-мақсадни ўзимизга аяққол тасаввур қиламиз.

Биринчиси юксак даражада тараққий топган демократик давлатларнинг ўзини ҳар томонлама оқлаган тажрибасини танқидий таҳлилдан ўтказиб, ўзимизга қабул қилиш ва жорий этиш, шу асосда ҳаётимизни қуриш.

Иккинчиси – қадимий ва бой тарихимиз, қадриятларимиз, ота-боболаримиз азиздан асраб-авайлаб келган ва биз ҳам бугун амал қилаётган муқаддас дини дунёимизимиз, урф-одат, удув ва анъаналаримизга риоя этган ҳолда, ҳар қандай ҳолат ва бошимизга тушган синовда ҳам ўзликимизни йўқотмасдан, биз кимнинг, қандай буюк эзоғларнинг авлоди эканимизни унутмасдан яшаш, фарзандларимизни ҳам шу асосда тарбиялаш ва ҳаётга йўллана бериш.

Мана шу иккита йўналиш – замон талаб қилаётган демократик принциплар ва миллий ҳусусиятларимиз-қадриятларимизни ўзаро уйғун тарзда бирлаштиришдек ўта муҳим ва стратегик аҳамиятга эга бўлган вазифани рўбга чиқариш, қатъият ва изчиллик билан ҳаётимизнинг барча жабҳаларида жорий этиш – булар биз танлаган йўлни белгилаб бераётган асосий омиллар ва шартли, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч кимга сир эмас – биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгилашни жараёнлари, ислохотларнинг тақдир ва келажиги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ.

Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди, албатта. Унинг дунёқараши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак, тажриба керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот, боринчи, қандай зўравонлик бўлмасин, одам зоти ўз ҳаёти мисолида, тажрибада тақлиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши керак ва иқдор бўлиши даркор.

Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт моделини ишлаб чиқишда инқилобий сакрашлар йўлини эмас, аксинча, тадрижий йўлни, имкон қадар ҳеч кимнинг бурнини қонатмайдиган, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танладик.

Истиқлолга эришиб, ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олгандан кейин биз ўз олдимизга келажакки буюк давлат, ҳеч қандам кам бўлмайдиган жамият қуришдек улғу мақсадни қўйдик. Эҳтимол, бу ўша пайтда кимларгадир баландларвоз ёки афсонавий гап бўлиб туялган бўлиши ҳам мумкин. Лекин бугунги кунда ана шу мақсад йўлида эришган ютуқларимизни бутун дунё тан олмақда.

Чет эллардаги таъкид сиёсатчилар, эксперт ва шарҳловчилар ҳозирги пайтда биз қўлга киритган натижаларни ҳисобга ва ҳаққоний баҳолаб, «Ўзбекистон ўзи белгилаб олган ана шу принципларга оғинмай амал қилса, албатта, келажакки буюк бўлади», деган фикрни билдирмоқда.

Яқинда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Хоразм Маъмур академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирлари давомида нуфузли халқаро ташкилотлар етакчиларининг бизга йўллаган табриқномаларида, юртимизга таъриф буюрар, давлат атоқли хорижий олимлар, давлат ва жамоат арбоблари томонидан бундай юксак эътирофнинг тақрор ва тақрор билдирилганига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Бундай фикр ва хулосаларни эшитганда юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг юраги қувонч ва гурурга тўлиши табиий, албатта.

Аmmo биз ўзимизнинг пировард мақсадиимизга эришиш учун замон қандай тез ва шиддат билан ўзгараётганини ҳисобга олган ҳолда, воқеликнинг ортда эмас, балки унинг олдида юришимиз, ҳар қандай ноҳус характер ва муаммоларнинг олдини олишимиз, тар-ққиётимиз ва демократик янгилашни заманини белгилаб берадиган қонуларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга ҳаёт тақозо этаётган ўзгаришларни қўшимчаларни киритишимиз зарурати бугун нечоғли долзарб эканини англаш, тушуниш қийин эмас.

Шу муносабат билан яқинда умумхалқ муҳокамасига қўйилган «Давлат бошқаруви» йўналиш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун лойиҳаси айнан ана шундай фикр ва мақсадлар билан озиқланган десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлашнинг амалий ахтиёжи, асосий омиллари ва сабаблари ҳақида гапирганда: **Биринчидан**, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни янада қучураштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган босқичма-босқич ривожланиш йўлидан изчил бориб, ислохотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини таъкидлаш лозим.

Иккинчидан, мустақиллик даврида сиёсий партияларнинг амалий тажрибаси, сиёсий нуфузи ортгани ва анча пишиб етилганини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда халқ қўлуви сиёсий қўлга айлантириш учун

қонуний йўл-йўриқларни яратиб бериши бугун замоннинг ўзи талаб қилаётганини қайд этиш зарур.

Учинчидан, ҳозирги кунда халқимизнинг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганини инобат олишимиз ва шунга қараб сиёсат олиб бориш заруратини унутмаслигимиз керак.

Шу маънода, тақлиф этилаётган қонун лойиҳасидаги барча моддалар миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу асосда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва халқимизнинг ҳаёт даражасини изчиллик билан кўтариб боришдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши мукаррар.

Биз демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган эканмиз, демократиянинг асосий принципларини, яъни, жамиятимизда халқ иродасининг тўла ҳукм суриши, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш масалалари бугун ҳаётимизда қай даражада ўз аксини топмоқда ва шу талабларга тўлиқ жавоб бериш учун биз яна нималарга эътибор қаратишимиз лозим, деган саволларни олдимизга қўйишимиз табиий.

Бу борада бошқа муҳим йўналиш ва вазифаларни инкор этмаган ҳолда, аввало, аҳолимизнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича қилаётган ишларимизнинг самарасини янада кучайтириш масаласи доимий кўн тартибда туриши зарур.

Одамларнинг фаоллигини ошириш йўли эса, ўз навбатида, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий қарашлар, турли манфаатларни ифода этадиган сиёсий партиялар фаоллигини ошириш билан чамбарчас боғлиқ эканини ҳаётнинг ўзи таъкидламоқда.

Ҳар қайси сиёсий партиянинг жамиятимиздаги қучи уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда тақлиф этган ва амалга ошираётган дастурларининг таъсири ва уларни қўллаб-қувватлаётган тарафдорлари сони билан ўлчанади.

Бинобарин, партиялар ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини аҳоли орасида қанча қонлантириб, кенгайтириб бора, халқимиз ва сайловчиларимизнинг сиёсий онги ва фаоллиги шунча юксалиб, уларнинг ислохот ва ўзгаришларга ўтказадиган таъсири тобора ортиб бораверади.

Маълумки, ҳозирги вақтда юртимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда. Улар парламент сайловлари ва маҳаллий сайловлар пайтида ўз дастурлари, сиёсий мақсадларини аёнлаш қилган ҳолда, ўзаро курашиб, Олий Мажлисдан ва вилоят кенгашларидан тегишли ўринини эгаллаган ва Қонунийлик палатасида ўз фракцияларини, маҳаллий кенгашларда эса депутатлар гуруҳларини ташкил этиш орқали фаолият олиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, 2000 йиллардан бошлаб бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда демократик жараёнларни давом эттиришда, ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунинг 14 йиллиги муносабати билан 7 декабрь кунини пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намояндлари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди. Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳбуси инрайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг – демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган барча ютуқларимизнинг тўб моҳияти Конституцияимизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва имкониятларни, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ таъбиқ этиш билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлади.

Бундан 14 йил муқаддам умумхалқ муҳокамасидан кейин ҳар томонлама ва чуқур ўйланган демократик йўл билан қабул қилинган Асосий қонунимиз янги жамиятнинг ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Асосий қонунимиз, бир томондан, халқимизнинг теран тарихий илдишларига асосланган, кўп асрлик таъриба ва маънавий қадриятларни, улғу аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўзининг ғоя ва нормаларига чуқур сингдирган бўлса, иккинчи томондан, тарихда сигнал умуминсоний қадриятлар, халқаро андозалар, тараққий топган давлатларнинг илгор таърибаси муҳим асос бўлиб қўйилган ҳужжатдир.

Ўтган даврда Конституцияимизнинг ҳаётий негизи не-

қондлик ҳаётда тобора тўлароқ намоён бўлмоқда. Чунки Асосий қонунимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган.

Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг барқарорлиги, истиқлолга садоқатимиз, истиқболга ишончимиз, ислохотларимизнинг муваффақиятли оқибатлари, эзгу юмушларимизнинг самаралари, халқимиз тийнатида буюк яратувчилик ва бунёдкорлик руҳи қўнган-қўн аяққол намоён бўлаётгани –

барча-барчасининг замирида Асосий қонунимизда кафолатланган ҳуқуқлар, ғоялар, принциплар турганини бугун ҳар бир юртодошимиз чуқур ҳис этмоқда.

Юртобимиз инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган ислохотларимиз жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг фаровонлашувига, мамлакатимиз ободлиги ва тараққиётини таъминлашга, Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилаётганини қайд этар экан, бу борадаги

эзгу ишларимизни кенг қўламда, жадал суръатлар билан давом эттириш учун олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда анъана тусига кирган – ҳар бир йилни маълум бир ном билан аташ амалиётига содиқ қолган ҳолда, 2006 йил – Хонийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинган эди. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

(Давоми 3-бетда)



Озод ва фаровон юрт, эркин ва бахтиёр халққа улғувор байрамлар ярашади. Энг улғу ва энг азиз байрамимиз – Ватанимиз истиқлолининг 15 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислон Каримовнинг фармонлари мувофиқи, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавийтини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва оқилолигини янада мустаҳкамлашдаги хизматлари учун бир гуруҳ юртодошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь кунини ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

– Аввало, бугун Конституцияимизнинг қўлғу байрами арафасида сиз, азизлар билан учрашиб турганимдан хурсанд эканлигим билдириб, барчангизга ўзимнинг самимий ва эзгу тиллақларимни изҳор этмоқчиман, – деди Президентимиз. – Айнан шу кунларда, яъни йилимиз якунига етиб бораётган дамларда ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида, жамиятимизнинг турли жабҳаларида амалга оширган ишларимиз, уларнинг аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапириб ўринли ва табиий, деб ўйлайман.

Юртимизнинг тараққиёт йўлида эришган марралар ва ютуқларимиз ҳақида сўз юритганда, буларнинг барчасини, аввало, қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига, халқимизнинг пешона тери билан қўлга киритганимизни ўзимизга тасаввур қилиш қийин эмас.

Йўлайманки, мана шу залда тўпланган эл-юртимизнинг муносиб фарзандлари – ким қайси касб вакили бўлмасин, ким қайерда, қандай вазифада ишлаётган қатъи назар, умри тинимсиз меҳнат ва илганишда ўтиб келаётган сиз, азизлар бу ҳақиқатни яқши биласиз, англайсиз, – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 7 декабрь кунини Оқсаройда Россиянинг «Газпром» очик акционерлик жамияти бошқаруви раиси Алексей Миллерни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари «Газпром» билан ҳамкорлик кўлами йилдан-йил кенгайиб бораётганини таъкидлади.

«Газпром» Россиянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилаётган энг йirik компаниясидир, – деди Ислон Каримов. – Ушбу ҳамкорликнинг муваффақиятли бизни қувонтиради. «Газпром» Россияда, МДҲнинг бошқа мамлакатларидаги қонларни ўзлаштиришда катта имкониятларга эга. Ўзбекистон эса нафақат газ соҳасида катта салоҳиятга, балки минтақамиздаги мамлакатларда қазиб олинадиган газни ташини борасида ҳам улкан имкониятларга эга.

«Газпром» ҳақидаги йirik компаниялардан биридир. Дунёда қазиб олинадиган газнинг 20 фоизи, Россия газининг 94 фоизи унинг ҳиссасига тўри келади. «Газпром» газ, нефть ва конденсатлар қазиб олиш ва қайта ишлаш, техника ва саноат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ўнлаб корхона ва компанияларни бирлаштирган.

Бундай йirik компания билан ҳамкорлик Ўзбекистон учун ҳар томонлама фойдалидир. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан «Газпром» ҳам манфаатдор. Компания мамлакатимизда газ қазиб олиш ва газ савдоси ҳажминини ошириш, соҳага сармоя жалб этиш, газ саноатидаги хусусийлаштириш жараёнида янада кенг иштирок этиш ниятида.

Эқлиғ-энергетика мажмуи Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги изчил ривожланиб бораётган савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим бўғинини ташкил қилади. 2002 йилда «Ўзбекнефтьга» миллий холдинг компанияси билан «Газпром» ўртасида газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган. У 2012 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон газини харид қилиш, юртимиздаги газ қонларини

ўзлаштиришда иштирок этиш, газ-транспорт инфраструктурасини ривожлантириш, Марказий Осиё газини мамлакатимиз ҳудуди орқали ташини назарда тутди.

(ЎЗА)

Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифамиздир

(Боши 1-бетда) Бундай ибратли ишлар, биринчи навбатда, юртимизда яшайдиган барча инсонлар учун ижтимоий, иқтисодий, маънавий аҳамиятга эгадир. «Хомийлар ва шифокорлар йили» дастури замирида жамиятимизда инсон қалбидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси - хомийликнинг мазмун-моҳиятини ва аҳамиятини теваран тарғиб этиш, саховатли ва...

Юртимиздаги буюк ўзгаришларнинг ҳуқуқий асоси

Бегараз хомийларни рағбатлантириш, фидойи ва юксак фазилатли инсонларни қадрлаш гоъялари ўз муксабини тоғди. Дастур асосида амалга ошираётган барча эзгу сайёҳаракатларимиз халқимиз ҳаётини янада яхшилашга, жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжihatлик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган. Жорий йилда халқимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурда меҳр-муруват, савоат, савоб, ҳумнат каби фазилатлари янада ривожлантириш, хомийлик ҳаракатини кенгайтириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиб ва такомиллаштиришга оид масалалар доимий эътиборда турди. Қўллаб-қувватловчи объектлар бунёд этилди. Янги ишлаб чиқариш кубедалари ишга туширилди ва қўшимча иш жойлари ташкил этилди. Қишлоқ жойларда касаначилик ҳаракатига кенг йўл очиб берилган. Ҳаёт шартларида чор ва билан шугулланаётган юртимизнинг моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда. Эҳтиётчан қишлоқларга ҳам тўқнама кўмак ва ёрдам кўрсатишмоқда. Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний соғлом ва маънавий етук авлодни тарбиялаш борасидаги ишлар давом эттирил-

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

(Боши 1-бетда)

Бугун ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, ижтимоий ҳаётимиздаги фаол иштироки билан бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб келатган сизлар каби инсонларга давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотларини топшириш мен учун чиндан ҳам катта шараф десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан. Аввало, Ватанимизнинг ижтимоий-иқтисодий қудратини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган юртошларимиз - машҳур тиббиёт олимаси, академик Малика Абдуллаҳужаева, Ўзбекистон халқ устаси, ноёб истеъдод соҳибига Абдуғани Абдуллаевни, моҳир педагог Саме Саматовни, темир йул қурувчиси Баҳодир Илёсов ва хоразмлик захматқаш деҳқон, фермер Гулмат Ҳайитметовни энг олий мукофот - «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини билан ўз номидан, халқимиз номидан мубораққод этиш менга чуқур мамнуният етказди. - деди Юртимизимиз. Шулар қаторида ўз ҳаётини дунёдаги гоъят савобли иш - таълим-тарбия соҳасига бағишлаган Пория Игисина ва Али Абдулқосимов, эл-юртимизнинг олижаноб кадрларини тараннум этиб келатган мухтарам шоиримиз Охунжон Ҳакимов, ибратли маҳалла оқсоқоли Турсунхўжа Эргашев, театр ва кино санъати намояндаси Азиза Бегматовна, Владимир Шапиро ва Зулфиқор Мусоқов, композитор Дилором Омониллаева, машҳур «Айқулаш» ансамблининг бадий раҳбари Пўлат Мадраимов, юр-

тимиз мудофааси ва тинчлиги йўлида ўзини намоён этган жасур ҳарбийларимиз Сергей Проценко ва Хайдар Абдиев каби ўнлаб ватандошларимизнинг номларини хурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Мана шу мухташам залда ўтирган сиз, азиз юртошларимиз - барча барчангизни, ўз касби ва санъатининг моҳир усталарини замонамизнинг ҳақиқий ибрат тимсоллари сифатида самимий табриклашга ижозат бергайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, шу кунларда жойларда ана шундай юксак мукофотлар топширилётган барча юртошларимизни ҳам гоёибона бағримга босиб, чин қалбимдан қутлайман. Шундан сўнг Юртимизимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди. - Давлатимизнинг бугун топширилган юксак мукофотлари - унвон, орден ва медаллари барчангизга буорсин, - деди давлатимиз раҳбари Исрол Каримов. - Нафақат ўзларингизни, балки оила аъзоларингизни, фарзандларингизни, ёру биродарларингизни руҳини кўтарсин, гурур ва ифтихор бағишласин, янги марраларга етиш учун куч-қувват ва омадлар берсин. Менинг қалбимдаги эзгу тилагим, истагим шуки, ўз меҳнатидан қадр топган, эл-юртимиз ҳаётини обод қилишга интилиб яшайдиган инсонлар ҳеч қачон кам бўлмасин. Оллоҳнинг ўзи халқимизни асра-

син, омадини, бахтини берсин. Барчангизга сийҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман. Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, Пахтакор туманидаги «Равшан ота» фермер ўжатидаги бошлиғи Омондулла Равшанов, «Фидокорона хизматлари учун» ордени соҳибига, Ўзбекистон академик рус драма театри бадий раҳбари Владимир Шапиро, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Қашқадарё вилоятидаги 5-Меҳрибонлик уйи директори Тоштемир Саторов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-режиссёри Зулфиқор Мусоқов ушбу мукофотлар бундан буён Ватан раънақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнати янада юксак суръат ва иш-жаоат билан давом эттиришга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришини таъкидладилар. Юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирдилар. (УЗА)

Такдимот

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейда Ахборот ресурсларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах вилоятларининг ўрта махсус, касб-хунар таълим бошқармалари тасаруфидидаги таълим муассасалари вакиллари иштирок эттишди. Қатнашчилар Ахборот ресурслар маркази билан яқиндан танишиб, унинг аҳамияти ҳақида фикр алмашдилар.

Мулкдорлар учун семинар

Самарқанд қишлоқ хўжалиқ институтидида савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳамда Исроилнинг «Машав» халқаро ҳамкорлик ташкилоти ташаббуси билан тўрт кунлик ўқув семинари бўлиб ўтди. «Замонавий бозор тенденцияларини ўрганиш ва маркетинг фаолиятини ўзлаштириш» мавзусига бағишланган семинарда юздан ортиқ фермер ва тадбиркорлар қатнашди. Улар исроиллик мутахассисларнинг бозор муносабатлари ва маркетинг соҳасидаги илгор тажрибалари билан танишдилар.

Ярмаркадаги шартнома

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан Самарқанд шаҳридаги «Баҳор» масъулияти чекланган жамиятида вилоят истеъмолчилари ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Бир ҳафта давом этган ярмаркада вилоятда фаолият юритиб турган 80 дан ортиқ йилрик ва кичик хусусий корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган махсулотлар билан иштирок эттишди. Мамадйёр ЗИЕДИНОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Олов — тилсиз ёв

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 ноябрда қабул қилинган фармойишига асосан шу йилнинг 10 ноябрдан 10 декабрга ҳамда мамлакатимиз ҳудудига «Ёнғин хавфсизлиги ойлги» ўтказилмоқда. Ойлик ўтказишдан мақсад, инсон

Матбуот ва жамият

«Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг конституциявий ҳуқуқи ва қаролатлари» мавзусидаги ушбу тадбирда Фукарolik жамиятини ўрганиш институтининг директори Маъруфжон Усмонов сўз олиб, демократик аниқлашлар жараёнида аҳолининг сиёсий фаоллиги ошаётганлиги, жамиятда Фукарolik билан фаол муносабатда бўладиган нодавлат ношароат ташкилотларнинг фаолият доираси кенгайиб бораётганлиги ҳақида атрафлича гапирди ўтди. Шунингдек, давра суҳбати доирасида Мустақиллигимизнинг ўн беш йиллиги арафасида илик сон дунё юзиги курган ва эндиликда мунтазам чоп этилаётган «Жамият» газетасининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда, шунингдек, Ўзбекистон Журналистлар уюмаси раиси Ш. Фуломов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди директори Ж. Ҳакимов ҳамда «Менинг мулким-Частная собственность» иқтисодий газетаси бош муҳаррири Л. Резникова сўзга чиқдилар. Анжуман иштирокчилари мавзу доирасида фикр алмашдилар ва журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Орагул РУСТАМОВА



«Лукойл» Қаршида

Қашқадарё вилояти ўлкашунослик музейида «Лукойл» компаниясининг 15 йиллиги муносабати билан кўча кургзма ташкил этилди. Кургзмада ташир буюрлар компаниянинг 1991-2006 йиллардаги тарақиёти ҳақида ҳуқуқ қилувчи стендлар, видеоларларни кўздан кечирдилар. «Лукойл»нинг нефть ва газни қидириш, қазиб чиқариш ҳамда сотиш, табиат ва атраф-муҳитни муҳофиза қилиш борасидаги фаолияти кургзма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Савдо ярмаркаси

Қарши шаҳрида халқ истеъмолчи молларининг улгуржи савдо ярмаркаси иш бошлади. Ярмаркада воқеда фаолият юритиб турган 25 дан ортиқ корхоналар қаторида Тошкент шаҳри, Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ишлаб чиқарувчилари ҳам иштирок эттишди. Фахриддин БОЗОРОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Амалиётга пайваста

Тошкент Давлат Аграр университетидида «Қадрлар тайёрлаш тизимида - аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси» мавзусида академик Абдували Имомалиевнинг 75 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, биологик ва қишлоқ хўжалиғи фанларининг турли йўналишларини ривожлантириш борасида сўз юритилди. Анжуманда республика аграр соҳасига қадрлар тайёрловчи барча олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, ЎзРФнинг бир қатор илмий-тадқиқот институтлари, таълим, фан ва қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқариш бошқаруви органларининг вакиллари иштирок эттишди. Конференция қатнашчилари академик А.Имомалиев хотирасига бағишланган чиқишлар қилишди. Анвар ҚУЛМУРОДОВ

Илмий анжуман ўтказилди

Гулистон давлат университетидида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи, «Илмий гоъ ва мафкура» илмий-амалий маркази, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда маърузи университет ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишлаб «Олий таълимда замонавий ўқув, илмий ва тарбиявий фаолиятни такомиллаштириш муаммолари» мавзусида республика илмий-назарий конференцияси ўтказилди. Конференцияда Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент ахборот технологиялар университети каби етакчи ҳамда Самарқанд, Бухоро, Фаргона, Андижон каби қатор вилоятлардаги олий ўқув юртлирининг олимлари билан бир қаторда ЎзРФА илмий-тадқиқот институтлари вакиллари ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларининг тажрибали ўқитувчилари иштирок эттишди. Анжуманда олий таълим тизимида ҳар то-

Мамлакатимизда

«Воқеалар» ва «Илмий-амалий таълим»

Миллий матбуот марказида Республика Хотин-қизлар кўмитаси

ҳамда Журналист аёллар клуби билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда таълим ва тарбиявий фаолиятининг энг фаол хотин-қизлари иштирок эттишди.

Аёл қадр — Ватан қадр

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, ҳуқуқшунос Омина Қаримова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Иброҳимова, Журналист аёллар клуби раисаси Муътабар Қаримовалар тадбирда сўз олиб, юртимизнинг беш Қомуси эълон қилинган кун муносабати билан йилгиликларни қутлаш ҳамда ўша кунни туғилган кунни нишонлаётган аёлларнинг хомий ташкилотларининг савгалари билан табриклашди. (Ўз мухбиримиз)

Жалол АСКАРОВ, Миробод ТИЕБ ЕХБ инспектори, майор.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиғи ҳузуридида Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг ривожлантириш марказида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллигига бағишланган семинар ўтказилди.

Таълим — тараққиёт асоси

Унда иштирок этган вазирилик вакиллари, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент давлат юридик институтиди ҳамда ушбу марказ ходимлари мамлакатимиз қомуси ҳақида фикр юритар эканлар, унинг давлат ва жамият тараққиётида, хусусан, таълим соҳасида тутган ўрни беқийслигини айтиб ўтдилар. Дарҳақиқат, ҳар бир жамиятнинг маънавий салохияти унинг истеъдод эгалларини, умуман, қобилиятли ўқувчи - талабаларни нечоғли қадрлаши, уларга алоҳида ғамхўрлик қўрсатилиши, билан олиши ва излашилари учун етарли шартшароитни таъминлаши орқали намоеён бўлади. Эро, Президентимиз «Ақл — заковатли, юксак маънавиятли ўқувчи — талабаларни тарбиялай олсанки, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади», дея таъкидлаган эди. Айна пайтда мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар замирида ҳам худди шу мақсадлар мукдосамдир. Семинар ишида ана шулар ҳусусида сўз борди. Мавзуга доир тақлиф ва мулоҳазалар билдирди. Д. УЛУГМУРОДОВ



Халиям вақт бор

Ироқдаги вазиятни ўрганиб чиққан демократлар ва республикачилар ҳамкорлиғидида махсус комиссия Буш маъмуриятига ҳисобот юборди.

Хисобот ҳулосасига кўра, вақт борида Ироқдан ҳарбий контингентни босқичма-босқич олиб чиқиш лозим. Шунингдек, 142 саҳифадан иборат бўлган ҳисоботда Буш сиёсати Ироқда роль ўйнамаётгани айтилган. Президент Буш бунга муносабат билдирар экан, комиссия фикрида қизиқарли тавсиялар борлигини ва ҳар бирини жиҳдий ўрганиб чиқишини айтган. Айтиби ўтиш жоизки, айна дамда нафақат АКШ, балки уни қўллаб-қувватловчи давлатлар ҳукуматида Бушнинг Ироқдаги сиёсатига шубҳа билан қараш кузатишмоқда. АКШ мудофаа вазири Рубин президенти Буш томонидан тавсия этилган Роберт Гейтс Сенат мажлисида Америка Ироқдаги урушда ғалаба қозонмаётганини айтган. Британия бош вазири Тони Блэр 6 декабрь кун парламентда Ироқдаги иттифоқдошлар мағлуб бўлаётганини тан олган.

Фиҳида фавқуллода вазият

Тинч океанининг орол давлати — Фиҳида фавқуллода вазият эълон қилинди. Мамлакат армияси парламентни тарқатиб, барча ҳукумат идораларида назорат ўрнатган. Ушбу ҳафта бошида Фиҳида содир этилган ҳарбий тўнтаришга бошчилик қилган генерал Франк Байнимарама ҳарбийлар ҳар қандай тартибсизликларни тезликда бостиришини маълум қилган. Вақтинчалик бош вазир этиб ҳарбий врач Жон Сенгалакаали тайинланган. Аҳолиси 900 минг нафар одамдан иборат Фиҳи давлатининг асосий даромади сайёҳликдир. Охириги 20 йил ичида фиҳийлар ва келиб чиқиши хиндистонлик бўлган этник аҳоли ўртасидида можаролар оқибатида 4 марта ҳарбий тўнтариш содир этилган.

Ҳайдовчи нега ўлдирилди?

Қирғизистон ташқи ишлар вазирлиғи АКШнинг мамлакатдаги элчисига расмий нота юборди.

Унда Бишкек ташқарисидида «Манас» аэропортида америкалик ҳарбийнинг қирғизистонлик бир фуқарони отиб ўлдириши борасида тушунтиришлар берилиши ҳамда ҳамкорликда «холодсона ва оператив» текширув ўтказилиши талаб этилган. Утган кун «Манас» аэропорти ҳудудида жойлашган Америка авиабазаси назорат пунктига яқинлашган ёниги ташуви машина ҳайдовчиси АКШ ҳарбийси томонидан отиб ўлдирилди. Америка авиабазаси матбуот хизматининг маълумотига кўра, машина ҳайдовчиси ўзини ғалати тутгани ва назорат пункти дарвозасини бузиб ўтмоқчи эканлиги боис қўриқчи ўқига дучор бўлган.

Ядровий тадқиқот муаммолари

Эрон ядровий тадқиқотларини ўзига санкция қўлланган тақдирда ҳам 2007 йил март ойида яқунлайди.

Мамлакат миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Ларижоний шу ҳақда маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, Эрон ядровий тадқиқотларда муваффақиятга эришмоқда ва бу борадаги ишларига ҳеч қим тўғаноқ бўлолмайд.

Эслатиб ўтамиз, Парижда Эронга нисбатан санкция қўллаш масаласи борасида БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари ва Германия вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда хавфсизлик кенгашининг айрим аъзолари Эрон ядровий тадқиқотларини тўхтатмас, зудлик билан санкция қўллашни тақлиф этишди.

Навбатдаги бекат

Вьетнамга келиб урилган «Дуриан» тўғони мамлакатда катта талафотларга сабаб бўлмоқда.

Хабарларга кўра, 100 дан зиёд одам табиий одат қурбонига айланган, юзлаб одам бедарак кетган, минглаб хонадон вайрон бўлган. Мутахассислар фикрига кўра, тўфон яна бир неча кун Вьетнамда куним топиб, номаълум томонга ҳаракатланиши ҳам мумкин. Ушбу айронакор тўфон бундан аввалроқ Филиппини «зиёрат» қилиб, мингга яқин одамни ҳаётдан олиб кетган эди. Оқибатда, Филиппиннинг қўпгина ҳудудида озик-овқат ва ичимлик суви танқислиги вужудга келган.

Иблисга эргашаётганлар

Италия ҳукумати мамлакатда «Иблис армияси»нинг кенгайиб бораётганидан хавотирга тушмоқда. La Stampa газетасининг ёзишича, Италияда ўзини «Иблис фарзандлари» ёки асоси, деб номлайдиган секта аъзолари кун сайн кўпайиб бормоқда. 1980 йили Марко Димитри томонидан ташкил этилган «Иблис фарзандлари» сектаси бугунги кунга фаолият юритиб келмоқда. Секта аҳоли орасида норозилиқлар уйғотса-да, унинг фаолиятига чек қўйиб бўлмапти. Секта аъзолари ҳайвонлар, одам мурдаларини қурбонлик қилиб, ўзларининг шайтоний қилларини ошириб боришга интилишди. Ҳатто, уларнинг тунрик одамларни қурбонлик қилганликлари ҳақида ҳам хабарлар тарқатилган.

INTERNET хабарлари асосида Ш. САНАЕВ тайёрлади.

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за № 1127-1 от 18.04.2005 г. Ташкентмақоуд Улугбек Кабулдулкочев раскрывает информацию о намерении приобрести 35 770 (Тридцать пять тысяч семьсот семьдесят) штук простых именных безъналических акций ОАО «Малька» г. Ташкент расположенного по адресу: г. Ташкент, ул. Га. пол. Ходжаева, 2, что составляет 19,99 % от Уставного фонда.

Бир оила фарзандларидек

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида "Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт", деб белгилаб қўйилган.

Ҳақиқатан ҳам беш қомусимизда кўрсатилган ушбу қонунда Ўзбекистонда яшаётган ҳар қайси миллат вакили турмушида ўз ақсини топган. Ўзбекистон кўпмиллатли мамлакат. Бу ерда истиқомат қилаётган миллатларга уларнинг эмин-эркин яшаши, фаолият юритиши учун тенг ҳуқуқлар берилган. Мен буни қозоқ миллати вакили, шу юрт фарзанди сифатида айтаяман.

Қозоқ ва ўзбек халқи азал-азалдан қондош, тилию дини, урфу одатлари бир халқ. Айни пайтда бу икки мамлакат раҳбариятининг юриятдан сийосатлари натижасида бу аъёна янада мустақамланиб бораётди. Узро иқтисодий ва ижтимоий алоқалар ривожланиш сари юз тутмоқда.

Яна шунинг ҳам қониқлиги билан таъкидлаб ўтмоқчи эдимки, Ўзбекистон парламенти таркибиде қозоқ миллати вакиллари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, сенатор, Тахтақўпир туманидаги "Тахтақўпир" ширкат хўжалиги раиси Ағитай Адиллов ҳамда Навоий вилояти Томди туманидаги чўпон Серақбой Сағатовларнинг меҳнатлари муносиб баҳоланиб, Ўзбекистон Қарамони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Бу эса, албатта, бизни шу юртга муносиб фарзанд бўлишга, эл-юрт фаровонлиги учун фидойилик билан меҳнат қилишга ундаш баробарида, қалбимизда фахр-ифтихор ва гурур туйғуларини уйғотади.

Усен АСКАРОВ, Республика қозоқ миллий маданий маркази раиси.

Ҳар бир мустақил давлатнинг ҳуқуқий асосларида бири унинг асосий қонуни — Конституцияси ҳисобланади. Кишилик жамиятининг тарихий ривожланиши кўрсатганидек, ҳар қайси жамият келажакни кўзлаб ашайди ва унинг пойдеворини имкон

нинг асосий қонуни — Конституцияни ишлаб чиқишда ўзбек халқи аждодларининг миллий давлатчиликни мустақамлаш йўлидаги ғоя ва тамойилларидан ҳам кенг қамровли фойдаланилди. Жумладан, соҳибқирон Амир Темури фарзандларига "Миллатнинг дардларига дармон

кат учун асосий ғоя ҳисобланган. Ҳозир ҳам ана шу ғоя ижтимоий адолатни химоя қилишда зарурий мезон ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий ва сийсий тафаккурнинг энг юксак ютуқларини, ҳозирги замон конституциявийлик ил-

Илдиизи теран, асоси мустақкам

қадар мустақкамрок қилишга интилади. Шу нуктаи назардан қараганда, истиқлол йилларида давлатимиз, жамиятимиз эришган буюк ютуқлардан бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиши бўлди.

Ўзбекистон Республикаси

бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсуларни бойлар зулмига ташламанг, адолат ва озолик дастурингиз, раҳбарингиз улсин...". дея насиҳат қилади. Бу фикрлар ўша даврда давлатни бошқаришнинг асоси бўлиб хизмат қилган, мамла-

мини мўжасам этгани, ўзбек халқи маданияти ва миллий аъёналарининг чуқур илдиизларига суянганлиги бош Қомусимизнинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан биридир.

Абдужаббор ҚУРБОНОВ, ҳуқуқшунос.



8 декабрь — Конституция қабул қилинган кун

Йўллар турфа, мақсад муштарак

Конституциямизнинг 60-моддасида: "Сийсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сийсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.

Сийсий партиялар ўз фаолиятларини молиявий таъминланиш манбалари ҳақида Олий Мажлисга ёки у вакил қилган органга белгиланган тартибда ошора ҳисоботлар бериб турадилар", деб ёзилган.

Албатта, ҳар бир партиянинг тутган йўли турфа бўлса-да, мақсадлар муштаракдир. Чунки, сийсий партиялар қайси гуруҳнинг манфаатларини химоя қилишдан, қандай позицияда бўлишдан қатъи назар, халқ фаровонлиги, мамлакат равнақи, юртимиз тинчлиги йўлида хизмат қилади.

Партиямизнинг вужудга келиши ва ўз олдига қўйган мақсад — вазибаларни амалга ошириш йўлида олиб борган фаол ҳаракати сабаб қисқа муддатда ўз мақсафига эга бўлди. Эндиликда вилоятимизда партия аъзоларининг умумий сони 4975 нафарга өтди, ундан 60 фоизи тадбиркор, 30 фоизи таълим ва фан ходимлари, 10 фоизи бошқа соҳа вакиллари.

Партиянинг вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси ва унинг жойлардаги Кенгашлари томонидан 2004 йилда сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари жадаллик билан амалга оширилди. Натижада эса ушбу сий-харакатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда ўз самарасини берди.

Ўтган сайловда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига вилоятдан сайланган тўрт нафар депутатдан икки нафари

ЎзЛиДеП дан кўрсатилган номзоддир. Шунингдек, Олий Мажлис Сенатига бир нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 17 нафар, туман (шаҳар) Кенгашларига 77 нафар депутатлар ЎзЛиДеП дан сайланди.

Бугунга келиб ЎзЛиДеП мамлакатимиз сийсий сахнасида муносиб ўрин эгаллади. Ушбу ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Бу қарийб уч йиллик тинимсиз сий-харакатлар, интилиш ва изланишлар, партия ғоя ва мақсадларини кенг халқ оmmasига етказишнинг энг таъсирчан услуб ҳамда шакллари топиб, қўллаш натижасидир.

Рўзикул ЖўРАЕВ, ЎзЛиДеП Навоий вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.

Беқийс имконият

Илм олиш, ўқиш-ўрганиш, мустақкам билим соҳиб бўлиш била олдидаги энг олий вазифадир.

Бу ўринда давлатимиз томонидан бизларга барча имкониятлар эшиги очиб берилганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз жоиз.

Қомусимизда таъкидланганидек, ҳар қимга илмий ва техникавий ижод эричилиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи қафолатланган. Ушбу моддага асосан, мен ҳам олиғсоҳдаги устозларим ёрдамида янги бир илмий ишга қўл урдим.

"Пахта тозалаш заводлари электр филтрлари учун электр энергия манбаини ишлаб чиқиш" мавзусида магистрик диссертацияимни ёқладим ва бу илмий изланишларимни амалиётга жорий қилишга эришдим.

Мен Ўзбекистоннинг барча ёшлари, яъни тенгдошларим тимсолда шунинг аниқ айта оламани, биз ёш авлод қонунда белгилаб қўйилган ушбу ҳуқуқлардан самарали фойдаланиб, ўқиб, изланиб, илмда янгиликлар яратиб, жамиятимиз равнақи йўлида ўзимизнинг бор қуч-ғайратимизни сарфласак, Ватан олдидаги фарзандлик бурчимизни оқлаган бўламиз.

Баҳодир ЭРКИНОВ, ТИМИ талабаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендианти.



Медаллар кўпаймоқда

6 декабрь куни XV Осиё ўйинлари дастуридан ўрин олган спортнинг ўқ отиш, қўл тўпи, сузиш, боулинг, академик эшак эшиш, сув по лоси, велоспорт, бокс, теннис, баскетбол, шохмат, оғир атлетика ва спорт гимнастикаси турларида вакиллариимиз беллашуларни давом эттиришди.

Куннинг муҳим натижасини эса академик эшак эшишчиларимиз қайд эттишди. Хамюртларимиздан Владимир Черненко ва Руслан Наурзалиев дуэти маррани биринчи бўлиб босиб ўтиб, олтин медалга эгаллик қилди. Ушбу спорт турининг қизлар ўртасидаги баҳслари якунида ҳам олтин медал ўзбекистон спортчиларига насиб этди. Бекободлик ола-сингиллар Севара ва Зарина Ғаниевалар академик эшак эшиш бобиде Осиёда тенгсиз эканликларини намён қилишди. Шунингдек, айнан шу кунни Ўзбекистон медаллар шодаси яна иккита бронза билан бойиди.

Аёллар ўртасидаги теннис бўйича жамоавий баҳслар ярим финалида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари хиндистонлик ракетка усталарига имкониятни бой беришиб, бронза медали билан чекланишди. 105 килограммдан ортик вазн тоифасида оғир атлетика беллашулариде ўз кучини синаб кўрган Андрей Мартемянов умумий ҳисобда 381 килограмм натижами қайд этиб, бронза медалга сазовор бўлди.

Бокс мусобақалариде ҳам спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда. 6 декабрь куни рингга кўтарилган Афина олимпиадаси совриндори Ўткирбек Хайдаров (81 кг) ва ёш, умидли боксчимиз Бехзодбек Юнусов (69 кг)лар дастлабки "жан"ларини галаба билан якунлашди. Ўткирбек ливанлик Рами Зокини яққол устунлик (23-5) билан мағлуб этган бўлса, Бехзодбек ҳам вьетнамлик рақиб Ван Трюонг Саога ҳеч қандай имконият қолдирмади — 49-22.

Сув по лоси бўйича эркеклар терма жамоамиз хитойлик рақибларига бас кела олмади — 6-12.

Баскет-



XV Осиё ўйинлари кундалигидан

болчиларимиз (эркаклар) ҳам япониялик рақибларидан мағлубиятга учрашди — 56:75.

Қўл тўпи: (эркаклар) Ўзбекистон — Саудия Арабистони 23:51, (аёллар) Ўзбекистон — Қозогистон — 12:23.

Спорт гимнастикаси: Брус баҳсларини Антон Фокин сахқизинчи натижа билан якунлади.

Шохмат: Классик шохмат бўйича жамоавий беллашуларда гроссмейстерларимиз япониялик "ақл гимнастикаси" усталарини 3:0 ҳисобиде мағлуб эттишди.

Ўқ отиш, сузиш ва боулинг баҳсларида спортчиларимиз ҳозирча ижобий натижаларга эриша олинмапти.

Велоспорт пойгаларида (шоссе) 70,3 километр масофани терма жамоамиз вакиллари бешинчи бўлиб босиб ўтишди.

Олтинчи декабрда қадар бўлган мусобақаларда Ўзбекистон спортчилари иккита олтин ва олти бронза медалини қўлга киритишди.

Ларссон "Қизил иблис"га айланди

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" клуби швейцариялик 35 ёшли ҳужумчи Хенрик Ларссонни ижарага олди. Швейцариянинг "Хильсинборг" жамоаси шарафини химоя қилаётган футболчи 2007 йилнинг 1 январидан 12 мартга қадар "Қизил иблис" либосида ҳаракат қилади.

Мухлисларга яхши маълум, Ларссон ўтган мавсум "Барселона"да тўп суриб, Чемпионлар лигасида бош совринни қўлга киритганди. Испаниялик келгунга қадар эса у узок йиллар "Сельтик" шарафини химоя қилиб, ўзининг тўпурақлик қобилиятини намён этганди. Ҳужумчини "Қизил иблислар" мураббийи Алекс Фергюссон тақлиф қилди.

— Мен асосий таркибдан ўзимга жой ҳозирлашимга ишонаман. Фаолиятимнинг сўнги йилда бундай буюк жамоада тўп суриш мен учун шараф, — деб айтиб ўтди Ларссон инглиз ОАВга берган интервьюсида.



Шацкиҳга аталган кеча

Чоршанба куни Европа чемпионлар лигаси гуруҳ ўйинлари якунланди. "Е", "Ғ" ва "Н" гуруҳларида бўлиб ўтган сўнги, 6-тур баҳсларида қуйидаги натижалар қайд этилди. "Е" гуруҳи: "Динамо" (Киев) — "Реал" — 2:2.

Мазкур учрашув терма жамоамиз ҳужумчиси Максим Шацкиҳнинг голлари билан ўзгача жозоба касб этди. Биринчи бўлимининг 13, 27-дақиқаларида икки бор "Реал" дарвозасини аниқ нишонга олган Максим "Динамо"ни 2:0 ҳисобиде олдинга олиб чиққанди. Лекин "Киролик клуби"нинг бразилиялик ҳужумчиси Роналдо ҳам унинг ишини удалай олди ва ҳисоби — 2:2

кўринишига олиб келди. "Лион" эса "Стяуа" билан дуранг (1:1) қайд этди. "Ғ" гуруҳи: "Манчестер Юнайтед" — "Бенфика" — 3:1, "Копенгаген" — "Сельтик" — 3:1.

"С" гуруҳи: "Порту" — "Арсенал" — 0:0, "Гамбург" — ЦСКА — 3:2.

"Н" гуруҳи: "Андерлехт" — АЕК 2:2, "Милан" — "Лилль" — 0:2.

Шундай қилиб, "Лион", "Реал", "Манчестер Юнайтед", "Сельтик", "Арсенал", "Порту", "Милан" ва "Лилль" клублари Чемпионлар лигасининг 1/8, "Стяуа", "Бенфика", ЦСКА ва АЕК жамоалари эса УЕФА кубоги 1/16 финалига чиқишди.

Ф.АБИЛОВ тайёрлади.



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини — умумхалқ байрами муносабати билан барча ватандошларимизни самимий мувофакқод этамиз! Осийишталик, фаровонлик, аҳиллик юртимизни ҳел қалон тарқ этмасин.



Бош муҳаррир: Ўткир РАҲМАТ. ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Уктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс таркибидеги ҳамда шу э тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 136-58-83, 136-56-25, Котибият — 133-95-17, Реклама ва эълонлар — 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс — 133-44-43, 133-40-87.

AVTOTRANSPORT — KREDIT VA LIZINGGA! AVTODOM PLUS. "GAZ" rusumli 50 xilidan ziyed avtotransport - 1,5-4,5 tonnalik yuk mashinalari, 3-7 urinlikli, 0,8 tonna yuk kurtarilgan furgonlar, 6-15 urinlikli mikroavtobuslari sotadi. Haq tulashtalangan usulda!